



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Қонун
бўш ерда
қонунбузарлик
жазоланмайди.
Жазоланмаган
қонунбузарлик
эса яна
тақорланади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 2-fevral, seshanba, 13 (23.449)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ВИЛОЯТДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ МИҚДОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 йил, 17-сон, 131-модданинг 4-банди)га мувофиқ, вилоят бозорлар ва савдо комплекслари уюшмасининг 2021 йил 12 январдаги (8-сон) мурожаати, вилоят молия бош бошқармасининг 2021 йил 12 январдаги (01/02-38/56-сон) ва давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 январдаги (20/5-01498-сон) хулосаларини инобатга олиб **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қуйидагилар:

- бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинмаган бир марталик йиғимлар миқдорлари 1-иловага;

- бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага;

- бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш учун тўловларнинг миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 20 февралдаги "Вилоятдаги бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинмаган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини белгилаш тўғрисида"ги 22-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

3. Вилоят ҳокимлиги матбуот котиби ахборот хизмати (М.Мирзаев) мазкур қарорни "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.


4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммада қолдираман.

Вилоят ҳокими в.в.б Ж.ЎРОҚОВ

2021 йил 29 январь
№ 12 - Қ

Қарор иловалари 3-саҳифада



Самарқанднинг азиз фарзанди

30 январь – Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов таваллуд кунини вилоятимизда кенг нишонланди.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида мамлакатимиз номини дунёга танитган, унинг тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилган инсон эди. У ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ, биринчи Президентимиз таваллуд толган сана ҳар йили юртимизда кенг нишонланмоқда.

Ушбу сана муносабати билан Ислам Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором толган Самарқанд шаҳрида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Тадбирлар Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов, вилоят ҳокими Э.Турдимов ва жамоатчилик вакиллари иштирокида шаҳардаги Ислам Каримов мақбара-мажмуасини зиёрат қилиш билан бошланди.

Шундан сўнг Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислам Каримов хайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Халқимизнинг ардоқли фарзанди ҳаёти, ибратли ишлари ёдга олинди.

Вилоятдаги таълим муассасалари, маданият масканлари ва бошқа ташкилотларда ҳам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг ҳаёти ва серқирра фаолиятига бағишланган давра сўхбатлари, илмий-амалий анжуманлар, фотоқўرғазмалар ташкил этилди.

Сойғўсликларнинг муаммоларига ечим топилмоқда

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Ургут туманининг олис Сойғўс қишлоғи аҳолиси билан учрашди ва уларни қийнат келаётган муаммоларни ўрганиб, жойида ҳал этиш чораларини кўрди.

Мақсадимиз вилоятнинг энг чекка қишлоғи аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга қўмаклашиш, - деди Б.Парпиев. - Маҳалла кўчалари, айниқса, мактабга бориш йўлларини таъмирлаш энг асосий масала, бу ҳудудда йўлларнинг торлиги ҳам ўрганиб чиқилмоқда. Кўннинг совуқлиги инобатга олинб, ҳозирча тош тўкилади. Қишлоқ ва туман маркази ўртасида автобус қатнови ҳам йўлга қўйилди.

Сойғўсда жойлашган 32-умумий ўрта таълим мактабидан йўналиш соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Қишлоққа олиб борувчи йўл ва ички 9,5 километр

йўлга тош тўкилиб, текисланди, аҳолига 350 та суолтирилган газ баллонлари тарқатилди.

Сойғўсдаги қишлоқ врачлик пунктига "Дамас" русумли 2 та тез тиббий ёрдам автомашинаси ва маҳалла ҳудудидаги ўқувчиларнинг мактабга қатнаши учун автобус ажратилди. Вилоят "Сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти туман бўлими томонидан маҳаллада жойлашган мавжуд сув тўплаш ҳовузи таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Маҳаллада яшовчи кам таъминланган 5 оилага ва 32-мактабга тоза ичимлик сувини ташиб ичиш учун махсус идишлар тарқатилди.

"Ургут тумани электр тармоқлари

корхонаси" томонидан маҳалладаги 1 та трансформатор, 4,5 километрлик турли электр кабеллари, 68 та симёғоч ўрнига бетон-устун ўрнатилди.

Туман бандлика қўмаклашиш маркази томонидан икки нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинлаш белгиланди, 3 фуқарога "Ургаз Карпет" қўшма корхонасида ишлаш учун йўлланма берилди. Бир фуқаро ховлисидан субсидия ҳисобидан иссиқхона қуриладиган бўлди. Туман фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан маҳалладаги кам таъминланган 10 оиланинг хонадонини ободонлаштирилди ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эътиборлиси, туман тижорат банклари томонидан 26 фуқарога тикувчилик, иссиқхона ташкил қилиш, чорвачилик билан шуғулланиш йўналишида кредит расмийлаштиришга киришилди.

Хусан ЭЛТОЕВ.



«Кун мавзуси»

Каттақўрғон шаҳридаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази 2020 йилнинг сентябрь ойидан иш бошлади. Унда ошпаз-қандолатчи, тикувчи, пайвандловчи, электрик, компьютер оператори, сантехник, умумқурилиш устаси, ёғдорчилик ва иссиқхона ишчиси каби касбларга ўқитилмоқда. Марказга шаҳар аҳлидан ташқари Нарпай, Пахтачи, Нуробод, Иштихон, Каттақўрғон туманларидан 18 ёшдан ошган ишсиз фуқаролар келиб касб-ҳунар ўрганмоқда.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази КИМЛАР УЧУН ОЧИЛДИ?

Дастлаб марказимизда 9 йўналишда касб ўргатилган бўлса, бугун 11 йўналишда ишсиз ва хорижда ишлаш истагиди бўлган фуқаролар ўқитилмоқда, - деди марказ директори Жавлон Қўлдошев. - Яқин ойларида аҳолига 30 йўналишда касб-ҳунар ўргатишни йўлга қўямиз. Аммо ҳозирча ётоқхонамиз йўқ. Туманлардан келган фуқаролар Каттақўрғон шаҳрида ижара уйларида яшаб ўқияпти.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази биноси 825 ўринли бўлса-да, ҳозирча 370 нафар ўқувчи икки навбатда касб ўрганапти. Дарслар эрталаб соат 08:30 дан 12:50 гача, иккинчи навбатда ўқийдиганлар учун 13:00 дан 17:00 гача ташкил этилган.

РОСТДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИМИ?

Марказда туман (шаҳар) бандлик бўлимларидан йўлланма асосида келганларга ойига 239 минг сўмдан стипендия берилди. Хорижга чиқиш истагиди бўлганлар эса стипендиясиз ўқийди.

Мен олам билан Нарпай туманидан тикувчилик курсига қатнашман, - деди Шоҳида Абдуҳалимова. - Ёшим 27 да, отам 41 ёшда. Ҳозир эрақлар учун кўйлак ва шим тикишни ўрганишимиз. Бир ярим ой ичида тикувчиликни анча ўргандим. Олам иккаламиз ўзимиз яшайдиган Тепакўрғон маҳалласида субсидия асосида ателье очишни режалаштиряпмиз. Аммо бизга ваъда қилинган стипендия пули ҳали берилгани йўқ.



Бошқа курсларда ўқиётганлар ҳам стипендия олмаётганини айтиди. Фақат Каттақўрғон шаҳрида истиқомат қилувчиларга шаҳар бандлик бўлими томонидан стипендиялар вақтида берилётган экан. Туманлардан қатновчилар эса стипендиясиз ўқимоқда.

Саватчилик курсида тошкентлик хунарманд Шокир Тожибоев аёлларга турли ҳажмдаги сават тўқиш сирларини ўргатмоқда.

2-саҳифа >>>

Футбол ўйингоҳи атрофи девор билан ўралади

Таҳририятимизга Самарқанд тумани Пулимўғоб маҳалласида яшовчи нафақахўр Шоди Жўраевдан шикоят аризаси келди.

Унда жумладан шундай дейилади:

Туманимиздаги Чумчуқли ва Пулимўғоб маҳаллаларидаги мингдан ортиқ ўқувчи маҳалламиздаги 24-мактабда ўқийди. Мактабимиз яқинда замонавий бинога эга бўлди аммо унга қаршай футбол майдони ташландиқ ҳолга келиб қолган. Ўйингоҳни 1965-1970 йилларда ёшлар ҳашар йўли билан қурган ва бу ерда туман, вилоят миқёсидаги мусобақалар ўтказиларди. Бироқ эътиборсизлик туфайли ўйингоҳ бугунги кунда чикинди ташланадиган майдон ва яйловга айланди. Ўйингоҳ ҳудудини аниқлаш ва унинг атрофини девор билан ўраш бўйича бир неча ваколатли идораларга мурожаат қилдим, аммо натижа бўлмади. Ёшлар спорт билан шуғулланиши учун ҳам футбол майдони зарур. Бундай эътиборсиз қолдирилса, кимлардир майдонни ўзлаштириб олиши мумкин.

Мурожаат юзасидан туман халқ таълими бўлимига мурожаат қилдик.

Ушбу маҳаллада ҳақиқатда ҳам замонавий мактаб қурилган, - деди Самарқанд тумани халқ таълими бўлими мудирини Баҳриддин Мардонов. Мурожаатда айтилган футбол калхозга тегишли бўлган ва калхозлар тугатилган, мактаб балансига ўтказилган. Бу масалада бир неча марафат мурожаат бўлган ва маҳаллага бориб ўйин майдонига чиқинди ташламоқда, ўзлаштириб олмаслик бўйича аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилган.

2020 йилда ушбу футбол майдони ҳудудини аниқлаб, атрофини девор билан ўраш, ўриндиқлар ўрнатиш режалаштирилган. Аммо коронавирус пандемияси барча режаларни ўзгартириб юборди. Бу йилги режаларимизда 24-мактабнинг спорт майдонини ҳудудини аниқлаш, атрофини ўрашни дастурга киритганмиз. 2021 йилда туман ҳокимлиги кўмағида маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисми маблағларидан фойдаланиб ушбу спорт майдонининг атрофи девор билан ўралади.

Самарқанд олимпия захиралари коллежида "Спортни сев, спорт билан яша!" шiori остида январь ойида ўтказилган шахмат ойлиги мусобақасининг финал беллашувлари бўлиб ўтди.

ШАХМАТ ОЙЛИГИДА КИМ ҒОЛИБ БЎЛДИ?



Тадбирнинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов иштирок этиб, шахматни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш ва оммавий спортга айлантиришга эришиш кераклигини таъкидлади. Шундан сўнг вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Ўзбекистон шахмат федерацияси вилоят ҳудудий бўлими ҳам-

корлигида ташкил этилган мусобақанинг финал ўйинларига старт берилди.

Шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 200 нафардан ортиқ ҳаваскор ёш шахматчилар ҳамда 50 нафардан ортиқ 18 ёшдан ошган ҳаваскорлар беллашувда эрақлар ўртасида биринчи ўринни нарпай-

лик Мурод Амиркулов, аёллар ўртасида оқдорлик Маржона Маликова қўлга киритди. Мусобақа ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Беллашув давомида халқаро гроссмейстерлар - Тоҳир Воҳидов, Алексей Барсов ҳамда Али Қосимовлар иштирокида ёш шахматчилар билан маҳорат машғулоти ўтказилди.

Ҳ.ҒАЗЛИДИНОВ.

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 январдаги 12-Қ сонли қарорига 1-илова

БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР МИҚДОРЛАРИ

Table with 5 columns: t/p, Махсулот тури, Ўлчов бирлиги, Олинанидан тўловлар (сўмда), Самарқанд, Каттакўрғон шаҳри, Ургут ва Самарқанд туманлари бозорларида, Нуробод ва Қўшарбот туман бозорларида, Вилоятнинг қолган туман бозорларида (Нуробод ва Қўшарбот туманидан ташқари)

Изоҳ: 1. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчани 1-1,2 погонаметр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорига жой ҳақи ундирилади.

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 январдаги 12-Қ сонли қарорига 3-илова

БОЗОР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН МАХСУС АЖРАТИЛГАН ЖОЙЛАРДА ОҒИР ВА КАТТА ЎЛЧАМДАГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СОТИШ УЧУН ТўЛОВЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ

ЎРҚ-659 га асосан Солиқ кодексининг 461-моддасига киритилган ўзгаришларга асосан барча дехқон бозорлари ва савдо комплекслари ҚҚС тўловчиси ҳисобланади ҳамда кўрсатилган хизматлар учун 15 фоиз миқдорда ҚҚС солиги ундирилади.

Table with 5 columns: т/р, Махсулот тури, Ўлчов бирлиги, Тўлов миқдори (сўмда), Самарқанд, Каттакўрғон шаҳри, Ургут тумани бозорларида, Самарқанд, Паст Дарғом ва Нарпай тумани бозорларида, Вилоятнинг қолган туман бозорларида

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 январдаги 12-Қ сонли қарорига 2-илова

БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИ ХУДУДИДАГИ БИНО-ИНШООТЛАР ВА ИНВЕНТАРЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ВА КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН УНДИРИЛАДИГАН ТўЛОВЛАРИНИНГ МИҚДОРЛАРИ

Table with 5 columns: т/р, Кўрсатиладиган хизматлар тури, Ўлчов бирлиги, Олинанидан тўловлар (сўмда), Самарқанд, Каттакўрғон шаҳри, Ургут тумани бозорларида, Самарқанд, Паст Дарғом ва Нарпай тумани бозорларида, Вилоятнинг қолган туман бозорларида

1*) Каттакўрғон шаҳридаги дехқон ва савдо комплексларида умумий фойдаланадиган объектларни сақлаш учун кўрсатиладиган мажбурий хизматлар - 13000 сўм деб олинсин; 2*) Туманлардаги ҳафтада бир(икки) иш куни бўлган филиалларда умумий фойдаланадиган объектларни сақлаш учун кўрсатиладиган мажбурий хизматлар - 9000 сўм деб олинсин; 3*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сонли «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни яқинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Table with 5 columns: т/р, Тўлов тури, Ўлчов бирлиги, Тўлов миқдори (сўмда), Самарқанд, Каттакўрғон шаҳри, Ургут тумани бозорларида, Самарқанд, Паст Дарғом ва Нарпай тумани бозорларида, Вилоятнинг қолган туман бозорларида

Table with 6 columns: Жамият номи, Юридик манзили, Устав капитали (млн. сўм), Жамиятнинг устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз), Сотиладиган улушнинг нархи (минг сўм), Савдо санаси, Аризалар беришнинг охири муддати

0793395 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. * Самарқанд туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Джуракулов ва Насиба Ринатовна номига берилган У № 3712160 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. * Самарқанд темирйўл транспорти касб-хўнара коллежидан 2019 йилда Абдумуртов Фаруҳ Шавкат ўғли номига берилган рўйхат рақами 264, К № 0355601 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. * Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Абдураимова Зухро Жўрабековна номига берилган UM № 0534796 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. * Жомбой информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежидан 2013 йилда Турдубоев Достон Арзқул ўғли номига берилган рўйхат рақами 220, К № 2944429 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. * Тоёлқ туманидаги 21-ўрта мактабдан 1994 йилда Муратов Нематилло Зиядуллаевич номига берилган АУ № 171878 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. * Иштихон тумани Баҳрин қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежидан 2015 йилда Мамадиярова Дилрабо Абдуғофир қизи номига берилган рўйхат рақами 9478, К № 0248379 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Навоий ҳикматлари – ТАРБИЯ ВОСИТАСИ



Маънавий етук инсонни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги даврда буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодидаги маърифий ғоялар, панд-ўғитлар биз учун мукамал дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, кейинги йилларда умумтаълим мактабларининг деярли барча синфларида, академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг адабиёт дарсликларига Навоий ижодини ўрганишга кенг ўрин берилган. Бошланғич таълимда, яъни 1-4 синф ўқиш ва одобнома дарсликларига буюк шоиримиз ҳақида болаларга ўрнатилган кичик-кичик афсона ва ривоятлар, асарларидан ҳикоят тарзида намуналар келтирилган.

Ўзининг шунга кўниктирсанг, эгаллаган билимларинг келгусида ўзинга асқотоди, дейди шоир. Бу ҳикматни бир қарашда ўқувчи яхши ниятда узок умр берилишини сўраб билдирилган тилак сифатида қабул қилиш мумкин. Бироқ нима учун айнан Нухнинг умричалик умр тўғрисида фикр юритилмоқда? Шоир ҳикматининг маъноси ҳам шунда-да. Ушбу саволга Нух исми пайғамбар бўлганлигини унинг ҳаёти, фаолияти ҳақида Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асаридида «Нух ва кема» ҳикоятини оғзаки сўзлаб бериш орқали жавоб топиш ва ўқувчиға тушунтириш мумкин.

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг Ки, бўлсин Нух умрича ҳаётинг.

Агар билим олишга, дунёнинг сирини синоатларини ўрганишга ўзингда хоҳиш топа олсанг,

Чинакам дўст эди

Инсон дунёга келиб қанча яшагани билан эмас, балки қандай яшагани, ўзидан нима из қолдиргани билан эсланади. Умри давомида кимгадир ёки кимларгадир яхшиликни раво кўрган, уларнинг мушкулларини осон қилган бўлса, эл-улус манфаати учун ишлаб, одамларнинг қувонч-у ташвишли кунларида ёнида турган бўлса ҳаётлигида ҳам, бу фойий дунёдан ўтгандан кейин ҳам ҳаммиша кишиларнинг қалбида яшайди.



ётига ҳисса қўшиди.

Дўстининг Ватанга садоқати, халққа меҳри ва буюк аждодларимиз меросига бўлган ҳурмати уни мустақил Ўзбекистонимизнинг Миллий хавфсизлик идораларида хизмат қилишга ундади. 1993 йилдан шу соҳада меҳнат фаолиятини давом эттириб, мамлакатимизни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Юртимиз тараққиёти учун бор билим ва маҳоратини ишга солиб ишлади.

Бундай жонқуярлик, ватанпарварлик хислатлари у божхона идораларида масъул вазибаларда ишлаганида ҳам яққол намоен бўлди. Хизмат фаолияти давомида қонунчиликка қатъий амал қилиш, соҳаларни кадрлар билан таъминлаш, шогирдлар тайёрлашда ҳамкасбларига ибрат кўрсатди.

Афсус, бу йил Жамшиднинг 53 ёшида бу фикрларимизни унга айтиш мумкин эмас, уни бағримизга босиб табриклай олмаймиз. Аммо юқорида ёганимиздек, бу йил уни инсоний фазилатлари билан эслашга мажбурмиз.

Чинакам мард инсон, ҳақиқий оташқалб дўст сифатида ҳар биримизнинг хотирамизда ёрқин юлдуз мисоли порлаб қолсан, дўстим...

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and address information.

Муассислар: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Вилоят болалар кутубхонаси фондида бугунги кунда 130 мингдан ортиқ китоб, 19 минг 800 номдаги адабиёт мавжуд. Уларнинг 100 минг 38 тасини қоғозли, 30 минг тасини электрон адабиётлар ташкил қилади.

Кутубхоначилар китоб ўқийди

Кутубхонамизда 35 нафар кутубхоначи ходим фаолият юритади ва улар ҳар ойда 70 та асар ўқийди. Бу асарлар ҳақида умумтаълим мактабларидаги тарғибот тадбирларида ўқувчиларга сўзлаб беради.

Юсуф МУҲАММАДИЕВ, кутубхона директори.

«Хўлат»

Хиёбонда йиғлаётган чол

Гўзал хиёбонда қадди букчайиб қолган тўқсон ёшларда отахон ҳассага таянганча оҳиста юриб келарди. Кутилимаганда кичкина болани аямасдан ураётган танноз аёлни кўриб, сапчиб тушди.

- Нега лой қилдинг шимингни, лапашанг! Нега?! Тўғри йўлдан юрсанг бўларди-ку! Мана сенга! Мана сенга! Бу шим кимматбаҳо, юз доллар туради-я! Кўзинг кўрмиди, ўвв, мараз?! Чол чидаб туролмасдан улар томон юрди.



кимдир... Боланинг ҳар томчи кўз ёшида шу қадар ўткир оғу борки, мисқоли жониворни зумда нобуд эта олади.

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56. БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

1991-2021 logo and anniversary information.

Мустақиллик йиллари Самарқандда

1994 йил, июнь

Япониянинг Фукусима шаҳри губернатори Эйсаку Сато бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Ургут шаҳридаги 26-хунар-техника билим юрти ўрнида республикада ягона миллий хунармандчилик лицейи очилди.

Эрон Ислום Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Муртазо Сармади бошлик делегация Самарқанднинг ижтимоий ҳаётини ўрганиш мақсадида шаҳарда бўлди.

июль

Самарқанд давлат тиббиёт институти вилоятдаги олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб давлат имтихонларида тўлиқ компьютердан фойдаланишга ўтди.

15 июль куни Покистон Ислום Республикасининг Ҳамид Носир Чатта бошлиқ парламент делегацияси Самарқанднинг меъморий обидаларини кўздан кечирди.

август

Вилоятимиз дон хирмони 154 минг тоннадан ошди ва йиллик режа ортиғи билан бажарилди.

сентябрь

7 сентябрь куни Регистон майдонига Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан "Улуғбек юлдузлари" номли марафон ўтказилди.

9 сентябрь куни шаҳзода Валиаҳд Фейсал бин Турки бин Саид ал Кабир бошлиқ Саудия Арабистони делегацияси вилоят ҳокими П.Абдураҳмонов ҳамроҳлигида Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиб, Самарқанд қадимжоларини кўздан кечирди.

24 сентябрь куни вилоят ҳокими П.Абдураҳмоновнинг фармойишига қўра, Мансур Қўшбоев Қўшработ тумани ҳокими этиб тайинланди.

26 сентябрь куни вилоят ҳокимининг фармойишига қўра, Чўлибой Норбўтаев Пахтачи тумани ҳокими этиб тайинланди.

октябрь

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Регистон обидалари, таъмирланди. Самарқанддаги махсус илмий ишлаб чиқариш-таъмирлаш устaxonиси усталари Рофе Ҳалимов, Ҳамза номидаги республика Давлат муқофоти соҳиби Мирумар Асадов ва иш юритувчи Давлат Ҳақимов таъмирлаш ишлариға бошчилик қилди.

Navigation and contact information for Zarafshon newspaper.